

К.Қ. Хасанов,
мустақил тадқиқотчи, ТДИУ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

В статье даны результаты сравнительного анализа правовых режимов, институциональные нормы и механизмы инвестиционной деятельности развитых зарубежных стран. Предложены критерии оценки инвестиционной деятельности и пути повышения активности территорий по привлечению иностранных инвестиций на основе использования опыта зарубежных стран.

In clause the comparative analysis of the legal regimes, institutional norms and mechanisms of investment activity of foreign developed countries. Suggested criteria for evaluation of investment activity and ways of increasing the activity areas for attracting foreign investments on the basis of experience of foreign countries.

Калитли сўзлар: хорижий инвестициялар, ҳуқуқий тартибот, инвестиция ҳуқуқи, халқаро инвестициялар, қўшма корхоналар, баҳолаш мезонлари, ҳудудлар фаоллиги.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда инвестициялар тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, шунингдек, чет эл сармоядорлари билан музокаралар олиб бориш, ҳудудларда инвестиция муҳитини изчил яхшилаб бориш хорижий мамлакатларнинг ушбу фаолият бўйича ҳуқуқий тартиботлари, улар амал қилишига асос бўлган институционал нормалар ва механизмларни билишни талаб этади.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда институционал ислохотларнинг дастлабки босқичларидан эътиборан бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган [2-4]. Уларда асосан хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли, таркиби, инвестиция муҳити ва унинг самарадорлигини баҳолаш усуллари тадқиқ этилган. Шу билан бир вақтда хорижий давлатларнинг инвестиция соҳасидаги институционал нормалари ва улардан Ўзбекистонда инвестиция қончилигини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари баҳоланмаган. Шу нуқтаи назардан, халқаро инвестиция тартиботлари ва нормаларининг таҳлили долзарб амалий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

Халқаро инвестиция ҳуқуқи назарияси ва амалиётида [5,6] хорижий инвестициялар тартиботи мутлақ ва нисбий қоидаларга бўлинади. Хорижий инвестициялар мутлақ тартиботи инвестицияларни тўлиқ ҳимоялаш ва хавфсизлик, ҳақ-ҳуқуқини чекламаслик, адолатли ва тенг ҳуқуқли муомала, инвестицияларга тааллуқли қоидаларга амал қилиш мажбурияти, халқаро ҳуқуқ доирасида муомала тамойилларига асосланади. Хорижий инвестициялар нисбий қоидаларига эса инвесторларга имкон қадар қулайлик бериш тартиботи ва миллий тартибот киради.

Хорижий инвестициялар мутлақ тартиботи тамойиллари чет эл капитал қўйилмаларининг тўлиқ ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган. Адолатли ва

тенг ҳуқуқли инвестиция тартиботи халқаро ҳуқуқда анъанавий умумий қабул қилинган одат ҳисобланади. **Мулкни ҳимоялаш тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасига расмий изоҳда таъкидланишича [5], «адолатли ва тенг ҳуқуқли муомала одатий халқаро ҳуқуқнинг бир қисмини ташкил этувчи энг кам халқаро стандартни англатади».** Шу нуқтаи назардан мазкур стандарт халқаро ҳуқуқ тамойилларининг бутун тизимини, шу жумладан ҳақ-ҳуқуқини чекламаслик тамойилини, хорижий мулкни ҳимоялаш ва халқаро стандартнинг асосий (энг кам) тартиботига риоя этиш мажбуриятини камраб олади.

Маълумки, айрим ривожланаётган мамлакатлар, муайян халқаро ҳуқуқ стандартларининг алоҳида ҳуқуқий ҳолати ва уларнинг хорижий инвестицияларга нисбатан қўлланилишини шубҳа остига қўяди. Бундай мантиқ адолатли ва тенг ҳуқуқли муомала тамойили аҳамиятини мазмунан мавҳум бир нисбий камчилик билан изоҳлаш ҳисобланади.

Инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва капитал қўйилмаларни рағбатлантириш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда, уларнинг умумий ҳуқуқий тартиботларини белгилаш муҳим ўрин тутаяди. Бу ҳар қандай мамлакатда қулай инвестиция муҳитини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Икки томонлама шартномаларнинг мутлақ кўпчилиги [5] «адолатли ва тенг ҳуқуқли тартибот» атамасини ўзида мужассам этган. Келишилаётган тарафларнинг ҳар бири бошқа келишилаётган тараф инвесторлари капитал қўйилмаларининг адолатли ва тенг ҳуқуқли тартиботини таъминлайди ҳамда асосиз ва ҳақ-ҳуқуқларни чекловчи чораларни қўллаш йўли билан ушбу инвесторлар томонидан амалга оширилаётган капитал қўйилмалардан фойдаланишга ва уларни бошқаришга тўсқинлик қилмайди. Келишилаётган тарафларнинг ҳар бири бундай капитал қўйилмалар учун тўлиқ хавфсизлик ва ҳимояни таъминлайди.

Амалий нуқтаи назардан ривожланган чет эл мамлакатларида хорижий инвесторлар учун белгилаб қўйилган ҳуқуқий тартиботларнинг таҳлили ҳам қизиқиш уйғотади. Агар Ғарбий Европа, АҚШ, Канада ва Япония давлатларининг тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак [6], бунда баҳолаш мезонларининг таққослаш Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартиботларини солиштириш учун қуйидагиларни тавсифловчи бир неча асосий ҳолатларни кўриш мумкин:

- ▶ ушбу мамлакатларнинг давлат инвестиция сиёсатидаги умумий ва алоҳида жиҳатлари;
- ▶ уларнинг миллий инвестиция фаолияти қонунчилигининг асосий қоидалари (хорижий инвесторлар учун имтиёзлардан тортиб то маҳаллий инвесторлар билан солиштирилганда улар учун белгиланган чекловларгача);
- ▶ ушбу давлатлар миллий иқтисодиётига хусусий маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллариининг чекловлари.

Шу муносабат билан нафақат халқаро инвестициялар олиш, балки капитални ишончли ва фойдали тарзда экспорт қилиш учун ҳам узоқ йиллар давомида ўзининг хорижий инвестицияларга доир қонун ҳужжатларини

муваффақиятли тарзда такомиллаштирган Америка Қўшма Штатлари катта қизиқиш уйғотади.

АҚШнинг бутун тарихи мобайнида ушбу мамлакат анъанавий тарзда ички ва хорижий инвестицияларни иқтисодий ўсишнинг муҳим воситаси сифатида қараб уларни амалиётда ҳам, қонунчилик йўли билан ҳам рағбатлантириб келган. Унинг ишбилармон доираларида хорижий капиталнинг кўпайиб бориши Америка иқтисодиётини назорат қилинишига олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги хавфсирашларга қарамай, АҚШда умуман олганда хорижий инвестицияларга бўлган ижобий муносабат устунлик қилади.

АҚШга хорижий капитал қўйилмалар оқимида кўмаклашувчи омиллар ичида биринчи галда инвестиция фаолиятини тартибга солувчи либерал тизимни (шу жумладан лицензиялашнинг деярли тўлиқ мавжуд эмаслиги), шунингдек, хорижий капитал қўйилмалар қандай шаклда бўлмасин таъқиқловчи ёки чекловчи бошқа жиддий тўсиқларнинг мавжуд эмаслигини (иқтисодиётнинг алоҳида стратегик тармоқларига киритиладиган инвестициялар бундан мустасно) ажратиш лозим.

Америка иқтисодиётига хорижий инвестициялар кириб келишига АҚШда валюта битимлари борасида жиддий чекловларнинг мавжуд эмаслиги ҳам кўмаклашади. Умумий қоидага кўра, масалан, кредитларни амалга ошириш ёки олиш, фойдани тўлаш ва капиталани олиб чиқиб кетиш учун АҚШ молия органларининг розилиги талаб этилмайди. Штатлар даражасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун кўп ишлар қилинади. Бундай чоратadbирлар рўйхатида, масалан, хорижий инвесторларни кўчмас мулк учун маҳаллий солиқлардан ва фойда солиғидан озод қилиш энг кўп қўлланилади. Кўпчилик штатлар паст ставкалар бўйича кредитлар шаклида тўғридан-тўғри молиявий кўмаклашишни, ходимларни ўқитиш ва салоҳиятли инвесторларга бошқача тарзда кўмаклашишни таклиф этади.

Инвестиция фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳақида тўхталадиган бўлсак, АҚШда хорижий инвестициялар аксарият ҳолатларда корпоратив ташкилот шаклларида фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Одатда, фақатгина кўчмас мулк ва табиий ресурсларга киритиладиган инвестициялар бундан мустасно. Бунда компания ёки корпорация АҚШ ҳудудида ташкил этилган бўлиши шарт эмас. Хорижий инвестор компанияни ўз мамлакатада ёки учинчи мамлакатда ташкил этиши (америкалик тадбиркорлар аксарият ҳолатларда шундай қилишади) ва фаолиятини ушбу компаниянинг АҚШдаги филиали (BRANCH) орқали амалга ошириши мумкин.

Бироқ, инвестицияларнинг географик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инвесторлар кўпинча АҚШда шуъба корхоналарни эмас, балки мавжуд Америка корпорациялари билан қўшма корхоналарни (JOINT-VENTURE) ташкил этишни афзал кўришади. АҚШда қўшма корхоналар:

- ▶ таъсис этиш ва янги юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш йўли билан;
- ▶ хорижий инвестор томонидан мавжуд Америка корхонасидаги улушнинг харид қилиниши орқали ташкил этилиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриб турганимиздек, бугунги кунда АҚШ инвестиция фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқий тартиботида Ўзбекистон

билан ўхшашликлари кўпроқ учрайди. Асосий фарқ мамлакатимиз ва АҚШ ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос хусусиятларидадир.

Ўзбекистон қонунчилиги Америка қонунчилигидан фарқли ўлароқ, анъанавий тарзда континентал (Европа) ҳуқуқ тизими тамойилларига асосланади. Агар АҚШ ва умумий ҳуқуқ тизимига эга бўлган бошқа мамлакатлар (Буюк Британия, Канада, Австралия ва ҳ.к.) ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқ манбаи сифатида суд ҳулосаси асосий ролни ўйнаса, бизда худди Германия, Франция ва бошқа континентал Европа мамлакатларида бўлгани каби, ҳуқуқнинг асосий манбалари бўлиб парламентлар ва давлат томонидан қабул қилинадиган қонунлар, Президент фармонлари, қарорлар ва бошқа меъриий ҳужжатлар хизмат қилади. Умуман олганда, муайян ишлар юзасидан суд қарорларидаги эмас, балки айнан умумий тартибга солувчи қонунчилик ва қонун ости ҳужжатларидаги мавжуд институционал нормалар ҳуқуқни қўллаш амалиётида риоя қилинадиган қоидалар ҳисобланади. Бироқ, давлат ва инвестор ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг амалиётига нисбатан иккита ҳуқуқий тизимнинг ушбу ўзига хос жиҳати кўпинча муҳим аҳамиятга эга эмас.

Юқорида келтирилган тавсиф ҳамда АҚШ ва Канадада хорижий инвестициялар тартиботини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий белгилари бўйича шуни таъкидлаш мумкинки, хорижий капитал қўйилмаларни қонунчилик йўли билан тартибга солиш қоидаларининг муҳим таркибий қисмларини уни ушбу мамлакатларда ва Марказий Осиё мамлакатларида қўллаш амалиётида таққослаш мумкин.

Инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни баҳолашнинг умумлаштирувчи мезонлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ▶ расман эълон қилинган ва давлатнинг барқарор инвестиция сиёсатининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- ▶ яхлит инвестиция қонунчилигининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- ▶ капитални киритиш ва олиб чиқиш тартиботи ва тартиби (эркин ёки чекланган);
- ▶ солиқ имтиёзларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- ▶ миллий божхона тартиботида имтиёзларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- ▶ иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига киритиладиган миллий ва хорижий инвестицияларни рағбатлантирувчи кафолатларни мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- ▶ хорижий инвесторларнинг ички бозорда ишлаши учун рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- ▶ миллий корхоналарга киритиладиган хорижий инвестициялар миқдори учун чекловларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- ▶ хорижий инвестор ёки унинг расмий вакиллари томонидан ушбу корхоналар бошқарув органларининг таркибида раҳбар лавозимларнинг эгалланиши учун чекловларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ва ҳ.к..

Таққослаш учун, бир томондан, АҚШ, Канада, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларининг, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигида

ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида акс эттирилган инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартиботини тавсифловчи мезонларнинг юқорида келтирилган белгиларини асос қилиб олган ҳолда эътиборни шунга қаратиш мумкинки, Ўзбекистоннинг кўплаб хорижий экспертлар ва матбуот томонидан изоҳ қилинаётган замонавий қонунчилиги ўзининг аксарият қоидалари ва нормалари бўйича етакчи хорижий мамлакатлар инвестициялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари билан кўп жиҳатдан ўхшаш ва алоҳида устунлик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Шулар туфайли жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар, айниқса, унинг тўғридан-тўғри ҳажми кўпайиши кузатилмоқда (жадвал).

жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлаштириш динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Чет эл инвестициялари ва кредитлари	млрд. сўм	4439,0	3813,6	4776,2
Чет эл инвестицияларининг жами инвестициялар ҳажмидаги улуши	%	28,8	21,8	21,6
Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари	млрд. сўм	3863,6	3108,6	3792,3
Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг жами инвестициялар ҳажмидаги улуши	%	25,1	17,7	17,2
Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг чет эл инвестициялари умумий ҳажмидаги улуши	%	87,0	81,5	79,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестициялар ва уларга яратилган муқобил шарт–шароитлар туфайли иқтисодиёт тармоқлари ривожда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Буни енгил саноат тармоғида ҳам кўриш мумкин. Ушбу тармоқда кейинги йиллар мобайнида Германия, Буюк Британия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Сингапур каби ривожланган мамлакатлар инвесторлари иштирокида 100 дан ортиқ корхоналар ташкил этилган ва улар самарали фаолият олиб бормоқда.

Шу билан бир вақтда эътироф этиш лозимки, Ғарбий Европанинг аксарият мамлакатларидаги каби капиталларни киритиш ва олиб чиқиш тартибига нисбатан, худди АҚШда бўлгани каби, қонунчиликда ва амалиётда аллақачон Ўзбекистонда ҳам анча эркин қоидалар юзага келган. Шунингдек, бунга кўшимча равишда, масалан, Ўзбекистонда Бельгия, Нидерландия, Люксембург каби мамлакатлардагидек, хорижий инвестициялар анъанавий тарзда солиқ имтиёзлари ва бошқа молиявий имтиёзлар ва преференциялар бериш йўли билан рағбатлантирилади. Ўзбекистон ҳам Италия ва Испания мамлакатларидаги каби фойдани миллий саноатни ривожлантириш учун қўйувчи хорижий инвесторлар солиқ имтиёзларидан озод этилади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг муайян эҳтиёжларига қараб, хорижий инвестициялар тартиботларини ривожлантиришга нисбатан либерал ёндашувга бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу билан бирга Ғарбий Европа мамлакатларининг инвестиция сиёсати хорижий инвесторларга нисбатан ҳар жиҳатдан либерал эканлигини ҳамда миллий иқтисодиёт ва ўз тадбиркорларининг манфаатларини таъминлаш мақсадида чекловлар ёки тақиқларни ўзида мужассам этмаслигини англаб билиш керак.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида либерал тажрибани кўп жиҳатдан ўзлаштирган Марказий Осиё минтақасида бўлгани каби АҚШда ва Ғарбий Европанинг аксарият мамлакатларида уларнинг миллий қонунчилиги билан анъанавий тарзда банк фаолияти соҳасида ва қисман суғурта бизнесида чекловлар ўрнатилди. Шунингдек, кўплаб узок хориж мамлакатларида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ҳарбий саноат, авиация ва денгиз транспорти, телерадио ва бошқа оммавий ахборот воситалари каби миллий иқтисодиётнинг алоҳида стратегик ва ижтимоий аҳамиятли тармоқларига капитал қўйилмаларни киритиш чекланади.

Қонун йўли билан белгиланган чекловлар амалиёти кўплаб хорижий мамлакатларда хорижий инвесторларнинг алоҳида масалалари, мисол учун, инвесторлар капиталларининг миллий корхоналарда иштирок этиши ёки мазкур корхоналарнинг раҳбар органларида лавозимларни эгаллашнинг рухсат этиладиган чегараларига нисбатан ҳам белгиланган.

Масалан, Швейцария, Испания ва қатор бошқа мамлакатларда улар ҳудудида таъсис этиладиган ёки сотиб олинган корхоналарнинг устав капиталига киритилган хорижий инвестициялар миқдорини чеклаш назарда тутилган. Испанияда ушбу миқдор 49 % даражасида чекланган, Швейцарияда хорижий инвестор маҳаллий жисмоний шахс капиталининг иштирокисиз компания ташкил этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ва ҳ.к.

Финляндия ва Япониянинг қонунчилигида эса, масалан, хорижий фуқароларнинг хорижий инвестициялар иштирокидаги компаниялар ва фирмаларни бошқариш органларидаги иштироки ва миқдори чекланади. Масалан, Финляндияда мамлакатлар ҳудудида таъсис этилган компания бошқаруви аъзолари таркибининг учдан икки қисмини фин фуқаролари ташкил этиши лозимлиги қонун билан белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, биз ҳозирги вақтда қонунчилик ва қонун ости ҳужжатларида назарда тутилган хорижий инвесторларнинг фаолиятига нисбатан чекловлар АҚШ, Канада, Япония ёки Ғарбий Европа мамлакатлари билан солиштирилганда Ўзбекистонда хорижий капитал қўйилмаларнинг таваккалчилик хусусиятига эга бўлишига сабаб бўлиб хизмат қилиши масалаларини кўриб чиқмоқчи эмасмиз. Бу миллий иқтисодиёт манфаатларини, миллий товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган оддий жаҳон амалиётидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хорижий инвестицияларнинг қонунчилик асослари ва умуман хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими республикада бизнесни ривожлантириш учун жиддий чекловларни ифода этмайди.

Хулоса

1. Хорижий мамлакатлар инвестиция қонунчилиги ўзининг либерал институционал нормалари ҳамда инвестиция киритиш (қабул қилиш) механизмлари билан ажралиб туради.

2. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳамда ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш, соф хорижий инвестицияларга асосланган компаниялар фаолиятини тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришда хорижий қонунчилик нормаларидан фойдаланиш таклиф этилади.

3. Хорижий инвестицияларни қўшимча жалб этиш учун мамлакат ҳудудлари даражасида инвестициялар киритиш объектлари жозибадорлигини ошириш ҳамда хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро ишончли алоқаларни кенгайтириш йўллари ишга солиш лозим.

4. Хорижий инвестиция қонунчилиги негизида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини модернизациялаш ҳамда диверсификация қилишга тўғридан-тўғри инвестициялар киритаётган ички ва хорижий инвесторлар учун жозибали инвестиция муҳитини яратишни давом эттириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. – 266 б.

2. Институциональные основы формирования многоукладной экономики. – Т.: Консаудитинформ, 2002.

3. Нодирхонов У. Методологические аспекты привлечения прямых иностранных инвестиций в Республики Узбекистан. В кн: Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития: материалы V Форума экономистов. / Ташкент: IFMR, 2013. – С.153-160.

4. Собиров А.Х. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – ТДИУ, 2009.

5. Международное экономическое право: Учебное пособие /коллектив авторов; под ред. А.Н.Вылечжанина. – М.: КНОРУС, 2012. – С. 182-194.

6. Ивасенко А.Г., Никонова Я.И. Иностранные инвестиции: учебное пособие. – 2-е изд. – М.: КНОРУС, 2011. – С. 179-210.